

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ**

Рўйхатга олиниди
№ МОд-24
2019 йил



Ўзбекистон Республикаси Олий ва
ўрта махсус таълим вазиринияг
2019 йил "2" нафти даги
10.23 - совли буйргу билан
тасдиқланган

**Филология ва тилларни ўқитиш
(Лотин тили)**

йўналиш бўйича олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта
тайёрлаш ва малакасини ошириш курсининг ўкув дастури

Тошкент – 2019

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРИНИГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ЧЕТ ТИЛЛАРИНИ ЎҚИТИШНИНГ ИННОВАЦИЯВИЙ
МЕТОДИКАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ РЕСПУБЛИКА
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ МАРКАЗИ**

*Қайта тайёрлаш ва малака ошириши курсининг ўқув дастури Олий
ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишилари бўйича ўқув-услубий
бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашининг
2019 йил 18.10. даги 5-сонли баённомаси билан
маъкулланган.*

Тузувчилар:

- “Ўзбекистонининг миллӣ тикланишдан миллӣ юксалиш босқичида олий таълим вазифалари” модули: с.ф.д., проф. И.Эргашев, ф.ф.д., проф. И.Санғизаров, ф.ф.д., проф. М.Қаххорова, с.ф.д., доц. Т.Алимардонов.
- “Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишининг норматив-хуқуқий хужжатлари” модули: ю.ф.н., доц. В.Топилдиев, ю.ф.н., доц. Х.Тўйчиева, доц. в.б. А. Раҳмонов.
- “Педагогнинг инновацион фаолиятини ривожлантириш” модули: п.ф.д., проф. Н.Муслимов, п.ф.д. М.Мирсолиева, п.ф.ф.д. Г.Ибрагимова, катта ўқитувчи Р.Ишмуҳамедов, М.Матназарова, Н.Хакназарова, А.Тураев, М.Инназаров, Д.Кушарбаев.
- “Электрон педагогика асослари ва педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини такомиллаштириш” модули: п.ф.д., проф. Ф. Зокирова, п.ф.ф.д.(PhD) М.Файзиева, п.ф.ф.д. (PhD) Т.Шоймардонов, ўқитувчилар А.Обидов, И.Чориев, А.Хошимов, Ф.Отамуродов.
- “Амалий хорижий тилни ўрганишининг интенсив усувлари” модули: катта ўқитувчилар Ф.Бойсарисева, Н.Джабборова, Ш.Файзулаева, У.Гисосова.
- “Таълим жараёнини бошқаришда тизимли таҳлил ва қарор қабул қилишининг замонавий технологиялари” модули: т.ф.д., проф. А.Юлдашев, пс.ф.н. Х.Алимов, ф.-м.ф.н., доц. В.Каримова.
- Махсус фанлар бўйича: пед.ф.д., проф. Л. Ахмедова, ф.ф.н., доцент М.Ирискулов, phd. У.Азизов, ф.фн. М.Исралова, ф.ф.н, М.Тошхонов, катта ўқитувчি А.Назаров.
- Такризчилар: Палуанова Х.-ЎзДЖТУ кафедра мудири , ф.ф.д

Маматова Н.М. ТДСИ Микробиология ва фармакология кафедраси мудири

*Ўқув дастури ЎзДЖТУ хузуридаги РИАИМ Илмий Кенгашининг қарори билан
тасдиқка тавсия қилинган (2019 йил 27.09 даги 9-сонли
баённома).*

Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июнданги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармонлари, шунингдек 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли қарорида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиқсан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳорати ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илғор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш, шунингдек амалиётга жорий этиш кўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қиласди.

Дастур доирасида берилаётган мавзуулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўқув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, унинг мазмуни Ўзбекистоннинг миллий тикланишдан миллий юксалиш босқичида олий таълим вазифалари, таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишининг норматив-ҳукуқий ҳужжатлари, илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, амалий хорижий тил, тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари, маҳсус фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, ўқув жараёнини ташкил этишининг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуклар, педагогнинг креатив компетентлигини ривожлантириш, глобал Интернет тармоғи, мультимедиа тизимларидан фойдаланиш ва масофавий ўқитишнинг замонавий шаклларини қўллаш бўйича тегишли билим, кўникма, малака ва компетенцияларни ривожлантиришга йўналтирилган.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиқсан ҳолда дастурда тингловчиларнинг маҳсус фанлар доирасидаги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар такомиллаштирилиши мумкин.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг ўқув дастури қўйидаги модуллар мазмунини ўз ичига қамраб олади:

I. Олий таълимнинг норматив-ҳуқуқий асослари

1.1. Ўзбекистоннинг миллий тикланишдан миллий юксалиш босқичида олий таълим вазифалари

1.2. Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишининг норматив-ҳуқуқий хужжатлари

II. Илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат

2.1. Педагогнинг инновацион фаолиятини ривожлантириш.

2.2. Тилшунослик назариясининг тил амалиётига интеграцияси.

III. Таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш

3.1. Электрон педагогика асослари ва педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини такомиллаштириш.

3.2. Лотин тилини ўқитишда ахборот-коммуникация технологиялари.

IV. Амалий хорижий тил

4.1. Амалий хорижий тилни ўрганишнинг интенсив усуллари.

V. Тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари

5.1. Таълим жараёнини бошқаришда тизимли таҳлил ва қарор қабул қилишнинг замонавий технологиялари.

5.2. Лотин тилида тадқиқотлар олиб боришининг тизимли ёндашувлари.

VI. Махсус фанлар.

6.1 Лотин тили ва тиббиёт терминологиясининг асослари.

6.2. Лотин тилини ўрганишнинг интенсив усуллари.

6.3. Лотин тилини ўқитишдаги замонавий методлар.

VII. Малакавий аттестация.

Курснинг мақсади ва вазифалари

Олий таълим муасасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсининг **мақсади** педагог кадрларнинг инновацион ёндошувлар асосида ўқув-тарбиявий жараёнларни юксак илмий-методик даражада лойиҳалаштириш, соҳадаги илғор тажрибалар, замонавий билим ва малакаларни ўзлаштириш ва амалиётга жорий этишлари учун зарур бўладиган касбий билим, кўникма ва малакаларини такомиллаштириш, шунингдек уларнинг ижодий фаоллигини ривожлантиришдан иборат.

Курснинг вазифаларига қўйидагилар киради:

“Филология ва тилларни ўқитиши: Лотин тили” йўналишида педагог кадрларнинг замонавий касбий билим, кўникма, малакаларини такомиллаштириш ва ривожлантириш;

педагогларнинг ижодий-инновацион фаоллик даражасини ошириш;

мутахассислик фанларини ўқитиши жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни самарали татбиқ этилишини таъминлаш;

махсус фанлар соҳасидаги ўқитишнинг инновацион технологиялари ва илғор хорижий тажрибаларини ўзлаштириш;

“Филология ва тилларни ўқитиши: Лотин тили” йўналишида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларини фан ва ишлаб чиқаришдаги инновациялар билан ўзаро интеграциясини таъминлаш.

Курс якунида тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакалари ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар:

“Олий таълимнинг норматив-хуқуқий асослари”, “Илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат”, “Таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш”, “Амалий хорижий тил”, “Тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари” модуллари бўйича тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар тегишли таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлиги ҳамда компетентлигига қўйиладиган умумий малака талаблари билан белгиланади.

Махсус фанлар бўйича тингловчилар қўйидаги янги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларга эга бўлишлари талаб этилади:

Тингловчи:

- тилларнинг умумевропа стандартлари талабларини;
- лотин тилини ўқитишнинг назарий ва амалий аспектларини;
- лотин тилида тиббиёт тушунчалари ва уларни ифодаловчи атамалар тизимини;

- лотин тилнинг коммуникатив ёндашувда ўқитиш асослари ва методларини;
- чет тили таълимида баҳолаш ва унинг мезон ва меъёрларини;
- тил ўқитишда лингвистик ва маданиятлараро компетенцияларни ҳисобга олиш тамойилларини ***билиши*** керак.

Тингловчи:

- тил ўқитишга оид илғор тажрибалардан фойдаланиш;
- ахборот технологияларининг замонавий воситаларидан фойдаланиб илмий-тадқиқотларни ўтказиш;
- ўз касбий фаолияти соҳасида олий таълимнинг ўқитишга оид меъёрий-хуқуқий ҳужжатлари асосида иш юритиш;
- анъанавий баҳолаш ва CEFRга асосланган тил компетенцияларини баҳолаш тизими ўртасидаги фарқларни аниқлай олиш;
- тил ўқитишга оид муаммоларни таҳлил қилиш;
- меъёрий-хуқуқий ҳужжатларни амалиётда қўллаш ***кўниқмаларига*** эга бўлиши лозим.

Тингловчи:

- тил ва нутқ материалларини танлаш тамойиллари, аутентик манбалар билан ишлаш;
- тил ўқитиш методикаси бўйича тўпланган маълумотларни амалда қўллай олиш;
- таълим олувчиларнинг билиш қобилиятларини баҳолай олиш;
- ўқув жараёнини режалаштириш, баҳолаш, фидбек механизмларини амалга ошириш;
- талабаларнинг ўз-ўзини баҳолашга қаратилган портфолиосини ишлаб чиқиши ***малакаларига*** эга бўлиши зарур.

Тингловчи:

- меъёрий-хуқуқий ҳужжатлар асосида таълим ва тарбия жараёнини ташкил этиш ва бошқариш;
- интерактив мултимедиа воситаларидан фойдаланиш;
- ўзаро дарсларни кузатиш ва фидбек бериш;
- чет тили таълимида таълим технологияларни қўллаш;
- чет тили таълимида баҳолашга оид қарорлар қабул қилиши ***компетенцияларига*** эга бўлиши зарур.

Курс ҳажми

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси 288 соатни ташкил этади. Бунда ўкув дастурининг 144 соат ҳажми ишдан ажралмаган мустақил малака ошириш шакллари асосида, 144 соати тўғридан-тўғри (бевосита) малака ошириш шаклида ишдан ажраган ҳолда амалга оширилади. Малака оширишнинг бевосита шаклида бир ҳафтадаги ўкув юкламасининг энг юқори ҳажми 36 соатни ташкил этади. Аттестациядан муваффақиятли ўтган курс тингловчиларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги ПФ-4732-сон Фармони З-иловаси билан тасдиқланган давлат намунасидаги малака аттестати берилади.

“ФИЛОЛОГИЯ ВА ТИЛЛАРНИ ЎҚИТИШ” (ЛОТИН ТИЛИ) ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКА ОШИРИШ КУРСИ ЎҚУВ МОДУЛЛАРИНИНГ МАЗМУНИ

I. ОЛИЙ ТАЪЛИМНИНГ НОРМАТИВ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Ўзбекистоннинг миллий тикланишдан миллий юксалиш босқичида олий таълим вазифалари.

Ўзбекистон мустақил демократик тараққиётининг миллий тикланиш босқичида жамият ривожи ва таълим-тарбия соҳасидаги амалга оширилган вазифалар. Ўзбекистоннинг мустақил демократик тараққиёт йўли. Миллий тикланиш босқичи ва унинг ўзига хос хусусиятлари. Жамият ривожида демократия моделларининг хилма-хиллиги. Мамлакатимизда демократик ислоҳотлар ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари. Мустақил демократик тараққиёт йўлида эришилган ютуқлар ва муаммолар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев демократик ислоҳотларни изчил давом эттириш тўғрисида ва унинг амалий, конструктив характеристири. Ўзбекистон тараққиётининг миллий юксалиш босқичида ҳаракатлар стратегиясининг ишлаб чиқилиши ва унинг устувор йўналишлари. “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқга хизмат қиласин” ғояси. Халқ қабулхоналари ва виртуал қабулхоналар ҳамда Давлат хизматлари агентлигининг ташкил этилиши – мамлакатимизда демократик ислоҳотларни жадаллаштиришнинг муҳим омили сифатида. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 72-Сессиясидаги нутқининг асосий йўналишлари.

Маъмурий ислоҳотлар концепцияси. 2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегияси. Ўзбекистон

Республикаси Мактабгача таълим, Халқ таълими ва Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциялари. Ўзбекистон Республикасида Оила институтини мустаҳкамлаш концепцияси.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаларида ижтимоий ривожланишнинг устувор вазифалари.

Илм-фан ва таълим-тарбия – демократик жамият ривожланишининг энг зарурий асоси. Талабалар ўртасида миллий мустақиллик ғоялари асосида маънавий-ахлоқий ва тарбиявий ишларни олиб бориш принциплари. Ёшлар, оила, маҳалла, дин ва хотин-қизлар масалаларига оид давлат дастурларининг асосий йўналишлари. БМТнинг “Хотин-қизларга нисбатан камситишнинг ҳар қандай шаклларига барҳам бериш тўғрисида”ги Конвенцияси. Халқаро нормалар ва ҳуқуқий стандартларга мувофиқ аёлларнинг ҳуқуқларини таъминлашда Хотин-қизлар қўмитасининг роли ва ваколатлари.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг ёшлар маънавиятини юксалтириш ва уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш бўйича бешта муҳим ташабbusи.

1.2. Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишнинг норматив-ҳуқуқий хужжатлари.

Жамиятда ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш. Таълим соҳасини бошқаришнинг ҳуқуқий асослари. Олий ва ўрта маҳсус таълим соҳасида бошқарувни ислоҳ қилиш ҳамда олий ва ўрта маҳсус таълим тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари.

Таълим соҳасига оид қонун хужжатлари ва уларнинг мазмуни. Педагог ходимларнинг меҳнат муносабатларини тартибга солиш. Коррупцияга қарши курашнинг ҳуқуқий асослари ва унинг олдини олиш омиллари. Коррупцияга қарши қурашиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари. Таълим муассасаларида коррупцияни олдини олиш ва унга қарши курашишнинг ҳуқуқий ва маънавий-маърифий асослари. Халқаро меҳнат ташкилоти. Ўзбекистоннинг Халқаро меҳнат ташкилоти билан самарали ҳамкорлиги. Ўзбекистон ратификация қилган Халқаро меҳнат ташкилоти конвенциялари. Олий ўкув юртлари профессор-ўқитувчиларининг инсон ҳуқуқлари. Гендер муаммолари ва ўкув жараёнида гендер-дифференцияланган хулқ-атворнинг таъсирини ҳисобга олиш масалалари.

Қонуности хужжатлари тушунчаси ва уларнинг турлари. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий таълим тизимига оид қабул қилган фармонлари, қарорлари ва фармойишлари. Ўзбекистон Республикаси

Вазирлар Маҳкамасининг Олий таълим тизимиға тегишли норматив-хуқуқий хужжатлари.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг таълим-тарбия жараёнини ташкил этишга оид норматив-хуқуқий хужжатлари. Давлат таълим стандартлари, Кадрлар тайёрлаш тегишли таълим (ихтисос) йўналиши бўйича давлат таълим стандарти, ўкув режалар ва фан дастурлари ва уларга қўйиладиган талаблар. Ўкув режалари ва ўкув фанлари дастурларини такомиллаштириш тамойиллари. Ўкув юкламаларини режалаштириш ва уларнинг бажарилишини назорат қилиш методлари. Олий таълим муассасаларида талabalар билимини назорат қилиш ва баҳолаш.

Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларини давлат аккредитациясидан ўтказиш тартиби, таълим сифати назорати.

Таълим жараёнини ташкил этишда норматив-хуқуқий хужжатларни қўллаш амалиёти ҳамда раҳбар ва педагог кадрларнинг қонун ижодкорлиги ва ташаббускорлиги.

II. ИЛГОР ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА ПЕДАГОГИК МАҲОРАТ

2.1. Педагогнинг инновацион фаолиятини ривожлантириш.

Педагогика ва қасб-хунар бўйича муомала қилиш назарияси ва амалиёти. Таълим жараёни қатнашчилари билан ўзаро муносабатларда этика нормалари ва нутқ маданияти.

Инновацион жараёнлар ривожининг замонавий тенденциялари. Таълим сифатини оширишда ўқитувчининг инновацион фаолияти. Инновацион таълимда илфор хорижий тажрибалар интеграцияси. Кредит тизими. ECTS кредитлари: хусусиятлари ва тамойиллари. Ўкув режа ва фан дастурларини такомиллаштириш. Бакалавриат йўналишлари ва магистратура ихтисослари бўйича ўкув жараёнини ташкил этиш ва унинг сифатини таъминлашнинг замонавий методлари. Ўкув машғулотларининг ҳар хил турларини ўтказиш методикаси. Талabalardan танқидий фикрлашни шакллантириш, мустақил ишларини ташкил этиш. Иқтидорли талabalар билан ишлаш.

Педагогнинг креативлиги инновацион таълимнинг муҳим омили сифатида. Креатив фикрлашга йўналтирилган таълим технологиялари: кейс стади, лойиҳавий таълим, витаген, скампер, дизайн фикрлаш, синергетик таълим ва портфолио технологияларининг дидактик аҳамияти.

Педагогнинг инновацион фаолият натижаларини баҳолашга тизимли ёндашув. Педагогик фаолият натижаларининг сифат индикаторлари.

Педагогнинг мустақил ўзини-ўзи касбий ривожлантириш стратегиялари. Педагогик квалиметрия.

2.2. Тилшунослик назариясининг тил амалиётига интеграцияси.

Тилшуносликнинг назарий масалалари, тилшунослик тарихи. Лингвистик мактаблар ва бу мактаблар томонидан яратилган таълимотлар моҳияти. Грамматик категориялар, грамматикага оид замонавий таълимотлар. Семантика, семантик категориялар, лингвистик таҳлил методларидан фойдаланиш. Лингвогенетик, ареал, типология, дистрибутив, трансформацион тадқиқот методлар.

Хорижий мамлакатлар лингвистик назарияларини тарих нуқтаи назаридан таҳлил қилиш, уларни қиёслаб ўрганиш. Коммуникатив тилшунослик, лингвопрагматика, психолингвистика, гендер тилшунослик, нейролингвистика, маданиятлараро мулоқот, лингвокультурология.

III. ТАЪЛИМ ЖАРАЁНЛАРИДА АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ

3.1. Электрон педагогика асослари ва педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини такомиллаштириш.

Ахборот – коммуникация технологиялари ва уларни таълим жараёнида қўллашнинг дидактик имкониятлари, ахборот тизимлари, шахснинг таълим, тарбияси ва ривожланишида замонавий ахборот технологиялари ва тизимлари. LMS тизимлари – педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини такомиллаштиришнинг воситаси. Web-технологиялар, унинг хусусиятлари ва таълим жараёнида фойдаланиш. Булутли технологиилар. Google булутли хизматларидан фойдаланган ҳолда ўқув жараёнини ва ахборот таълим майдонини такомиллаштириш.

Педагогик дастурий воситалар (AutoPlayMedia Studio, CourseLab, iSpring Suite, Hot Potatoes ва бошқ.) дан фойдаланиб мультимедиали ўқув курсларини яратиш.

Медиакомпетентлик, педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини Scopus, ScienceDirect, Mendeley тизимлари асосида такомиллаштириш.

3.2. Лотин тилини ўқитиша ахборот-коммуникация технологиялари.

АКТ воситалари ва тил ўқитиши. Онлайн воситалар орқали тил кўникумаларини шакллантириш ва ривожлантириш (Memrise, 24/7 Tutor Apps,

Google Translate, FluentU, busu, babble, Lingvist, awabe, Lingdeer, LingQ, Hello talk ва бошқалар).

Компьютер орқали тил ўқитиши (Computer Assisted Language Learning: Cloze master, Lingualeo, Rosetta Stone, Duolingo). Интерактив мультимедиа воситаларидан фойдаланиш, интернет, телевизор, Интерактив доска ва бошқалардан фойдаланиш. Проектларга асосланган ўрганиш (Project based learning), Конструктив педагогика, дарсда технологияни сингдириш.

Электрон баҳолаш: Портфолио, саволнома, ва рубрикалар. Мулоқотни шакллантирувчи технологиялар. Электрон таълим материалларини яратиш, Электрон курс учун мультимедия компонентларидан ва унинг iSpring қўшмамодули ёрдамида интерактив ўқув материаллар яратиш. Онлайн лугатлардан фодаланиш (Worldlingo, Oxford, Wordreference, Proz, IATE, My memory).

IV. АМАЛИЙ ХОРИЖИЙ ТИЛ

4.1. Амалий хорижий тилни ўрганишнинг интенсив усуллари.

Хорижий тилни ўрганишдаги замонавий ёндашувлар. Коммуникатив методлардан самарали фойдаланиш. Хорижий тилни ўрганишда грамматиканинг аҳамияти (грамматика ва лексика – B1, B2). Маданиятлараро мулоқот компетенцияси (ўзбек ва хорижий тилда сўзлашувчи халқлар маданияти, урф-одатлари, анъаналари хақида чет тилида гапира олиш). Соҳага йўналтирилган тил кўникмаларини ривожлантириш, мутахассислик фанларини хорижий тилда ўқитиши лойихалаштириш. Илмий тадқиқотларга йўналтирилган тил кўникмаларини ўзлаштириш, илмий мақолаларнинг резюмесини тайёрлаш, хорижий адабиётлар билан ишлаш. Хорижий мутахассислар билан мулоқот стереотиплари. Электрон хатлар ёзиш, хорижий тилда тақдимотлар тайёрлаш. Тил кўникмалари диагностикасининг ассесмент технологиялари.

Кундалик ва ижтимоий ҳаётга оид мавзулар, тили ўрганилаётган мамлакатлар маданияти ва анъаналари, Ўзбекистон хақида, мамлакатимизнинг машхур инсонлари тўғрисида қисқача маълумот, резюме тўлдириш, оммавий ахборот воситалари, маданий ҳордиқ, телефонда суҳбат, саёҳат ва туризм, транспорт соҳаси, кашфиётлар, санъат, фан ва таълим соҳаси, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, даврнинг энг долзарб муаммоларини ўрганиш, муҳокама ва таҳлил қилиш.

V. ТИЗИМЛИ ТАҲЛИЛ ВА ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛИШ АСОСЛАРИ

5.1. Таълим жараёнини бошқаришда тизимли таҳлил ва қарор қабул қилишнинг замонавий технологиялари.

Тизим, тизимли таҳлил ва тизимли ёндашувнинг мазмун-моҳияти. Олий таълим тизими: таркиби, мақсад ва вазифалари. Педагогик жараён ва унинг тузилмавий асослари. Ўкув фанлари мазмуни ва уларни ўқитишидаги изчиллик асослари. Педагогик фаолиятда муаммолар: бакалавриат ва магистратура таълим дастурларида изчиллик ва мослашувчанликни ташкилий ва методик таъминлаш; кадрлар буюртмачилари ва меҳнат бозори эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда ўкув режалари ва фанлар дастурларини шакллантириш; кадрлар тайёрлаш сифатига таъсир кўрсатадиган омиллар; таълим, фан ва ишлаб чиқаришни интеграциялаш; иқтидорли талабаларни қидириб топиш, танлаш ва улар билан ишлаш методлари. Тизимли фикрлаш.

Педагогик тизимда таҳлилий фаолият. Аналитик ва сифатли усуллар. Педагогик фаолиятда тизимли таҳлил усуллари.

Қарор қабул қилишнинг мазмун-моҳияти, тамойиллари ва унга нисбатан бўлган ёндашувлар. Педагогик жараёнда қарор қабул қилишга қўйиладиган талаблар, унинг турлари ва психологияк жиҳатлари. Педагогик фаолиятда қарорнинг шаклланиши, қабул қилиш босқичлари ва ижросини таъминлаш. Олий таълимда менежмент ва маркетинг асослари.

5.2. Лотин тилида тадқиқотлар олиб боришининг тизимли ёндашувлари.

Лотин тилида тизимли таҳлил тушунчаси. Тадқиқот ва дарсни ташкил этиш учун маълумот йиғиш методологияси: бирламчи ва иккиласмчи маълумотлар йиғиш ва ушбу маълумотларни таҳлил қилиш.

Маълумотлар таҳлил қилиш усуллари: лингвистик таҳлил, дискурс таҳлил, социолингвистик таҳлил, контентни ва контекстни таҳлил этиш механизимлари. Таҳлил этиш натижасида маълумот тайёрлаш: мақола, китоб ва диссертация шаклдаги таҳлилий материаллар ёзиш. Илмий тадқиқ усуллари: синхрон аспект, диахрон аспектдаги тилшунослик таҳлил усуллари.

VI. МАҲСУС ФАНЛАР

6.1. Лотин тили ва тиббиёт терминлогиясининг асослари.

Лотин тили ва тиббиёт. Клиник терминология. Клиник терминологиянинг хусусиятлари. Клиник атамаларни шакллантиришда ўзакка асосланиш метод сифатида. Клиник атамаларни ўқитиш. Префикс клиник атамаларни шакллантириш усули. Дори воситалари терминлари. Дори терминологияси хусусиятлари.

Феъл ва уни рецепт формулаларда қўллаш. Предлоглар ва уларнинг рецепт формуласидан фойдаланиш. Лотин рецепт матни. Кимёвий

элементларнинг лотинча номлари. Равиш, олмош ва рецептурада улардан фойдаланиш. Таржима ва матн таҳлили. Лотин тили гаплари таржимасининг тузилиши ва тартиби. Лотин жумласини грамматик таҳлил қилиш. Луғат билан ишлаш усули. Матнинг тарихий ва маданий таҳлили. Лотин ёзувлари тамоиллари. Таржима амалиёти. Сўз ва концепт. Концептларни интерпретация қилиш ва ўқитиши.

6.2. Лотин тилини ўрганишнинг интенсив усуллари.

Лотин тили ва маданияти тарихи. Ҳарф турлари. Лотин тилини лексикаси ва сўз бирикмаси. Лотин тилидан рус тилига кириб келган атамалар лексикаси. Сўз ясаш: Лотин (Европа) лексик тизимини шакллантиришга таълуқли сўз ясашнинг асосий моделлари. Сўзларни ясаш қоидлари, ўзига хос асосий хусусиятлари. Минимум лексика (200 сўз, 50 кенг тарқалган иборалар, "Гаудеamus"). Лотин тили грамматикаси. От. Отнинг бошланғич шакллари. Лотинларда отларнинг беш хил турланиши. Келишик тизими. Бирлик ва қўплик. I-II шахсларда келишик формаларининг ясалиши.

Сифат. Биринчи сифатлар. Сифатлар I-II турланиши. Сифатларни мувофиқлаштириш. Сифат I-II-III турланиши. Сифатларни таққослаш даражаси. Равиш. Сифатлардан ясалган равишлар. Равишларни таққослаш даражаси. Олмош. Эгалик олмошлари. Кишилик ва ўззлик олмошлар – тузилиши ва турланиши. : Кшрсатиш олмошлари: ис, эа, ид. Кўрсатиш олмошларининг уч тизими. Сўроқ олмошлари. Сон. Саноқ ва тартиб сонлар. Сонларнинг турланиши.

Феъл. Лотин феълининг 3 та таянч ва 4 бошланғич шакллари. Тусланиш тизими Модус Императивус (аниқлик майли). Модус Индисативус: замонлар тизими. Инфестум ва Перфестум. Инфеста тизимининг замонлари: Праесенс, Имперфестум, Футурум I. Инфект тизимининг шахс қўшимчалари. Аниқ ва мажхул нисбатни тузиш шакллари. Турли хил тусланиш шаклларнинг ўзига хос хусусиятлари. сум, фуи, эссе феълларининг тусланиш. Перфест тизим замонлари: Перфестум, Футурум II. Аниқ ва мажхул нисбатларнинг шаклланиши. Замонлар мослашуви. Модус Сониунстивус (субжуностиве): замонлар тизими. Замонлар формасини ясаш. Гапда бойловчи вазифалари. Феълнинг шахси номаълум шакллари: равишдош, супин, герундий ва герундларни ясаш, уларнинг маънолари ва уларни қўллаш. Ёрдамчи сўз туркумлари.

6.3. Лотин тилини ўқитишдаги замонавий методлар.

Замонавий методларни ўрганиб чиқиш, ўкув материалларнинг қийинчилик даражасини аниқлаш ва тахлил қилиш, ўкув материалларни танлашдаги стратегиялар, ўкув материаллар яратишида асосий тамойиллар, ўкув материалларини эхтиёжга мослаш, ўзгартириш, аутентик материалларни қўллаш.

Тил билиш даражасини баҳолаш тамойиллари. Баҳолаш меъзонларини яратиш ва улардан самарали фойдаланиш. Баҳолаш ва материал тўплаш. Коммуникатив ва вазифага асосланган тил ўргатишида баҳолаш мезонларини қўллаш. Алтернатив баҳолаш. Синфни тадқиқ қилиш. Фидбек бериш. Ўз ўзини баҳолаш. Тестлар яратиш усуллари. Тест принцилари. Аудио матнларни танлаш ва матн харитасини яратиш. Тинглаб тушуниш, Ўқиш, Ёзув, гаплашиш кўникмаси бўйича тестлар тахлил қилиш ва яратиш кўникмаси.

VII. Малакавий аттестация

Тингловчиларнинг малакавий аттестацияси касбий, ўкув-методик ва илмий-методик фаолияти натижалари (электрон портфолиода қайд этилган кўрсаткичлари), якуний тест синовлари ҳамда Аттестация комиссиясида битириув ишини ҳимоя қилиш асосида ўтказилади.

Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Амалий машғулотларда тингловчилар ўкув модуллари доирасидаги ижодий топшириқлар, кейслар, ўкув лойиҳалари, технологик жараёнлар билан боғлиқ вазиятли масалалар асосида амалий ишларни бажарадилар.

Амалий машғулотлар замонавий таълим услублари ва инновацион технологияларга асосланган ҳолда ўтказилади. Бундан ташқари, мустақил ҳолда ўкув ва илмий адабиётлардан, электрон ресурслардан, тарқатма материаллардан фойдаланиш тавсия этилади.

Мустақил малака оширишни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Мустақил малака ошириш қуйидаги шаклларни ўз ичига олади: очиқ ўкув машғулотлари ва маҳорат дарсларини ташкил этиш; иқтидорли ва истеъдодли талабалар билан ишлаш; илмий конференцияларда маъруза билан қатнашиш; илмий журналларда мақолалар чоп этиш; кўргазма

ва танловларда иштирок этиш; илмий лойиҳаларда иштирок этиш; халқаро (импакт-факторли) нашрларда мақолалар эълон қилиш; ихтиро (патент), рационализаторлик таклифлари, инновацион ишланмаларга муаллифлик қилиш; монография, муаллифлик ижодий ишлар каталогини тайёрлаш ва нашрдан чиқариш; ўкув адабиётлари (дарслик, ўкув қўлланма, методик қўлланма)ни тайёрлаш ва нашрдан чиқариш; фалсафа доктори (PhD) даражасини олиш учун ҳимоя қилинган диссертацияга илмий раҳбарлик қилиш.

Педагог кадрларнинг мустақил малака ошириш натижалари электрон портфолио тизимида ўз аксини топади.

Мустақил малака ошириш даврида педагоглар асосий иш жойи бўйича педагогик амалиётдан ўтадилар. Педагогик амалиёт даврида педагог асосий иш жойи бўйича кафедранинг етакчи профессор-ўқитувчиларини 2 та дарсини кузатадилар ва таҳлил қиласидилар ҳамда кафедра аъзолари иштирокида талabalар грухи учун 1 та очик дарс ўтказади. Очик дарс таҳлили ҳамда педагог томонидан кузатилган дарслар хуносалари кафедранинг йиғилишида муҳокама этилади ва тегишли кафедранинг баённомаси билан расмийлаштирилади.

Дастурнинг ахборот-методик таъминоти

Модулларни ўқитиши жараёнида ишлаб чиқилган ўкув-методик материаллар, тегишли соҳа бўйича илмий журналлар, Интернет ресурслари, мультимедиа маҳсулотлари ва бошқа электрон ва қоғоз вариантдаги манбаалардан фойдаланилади.

АДАБИЁТЛАР РУЙХАТИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари

1. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. - Т.:“Ўзбекистон”, 2011.
2. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб ҳалқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: “Ўзбекистон”. 2017. – 488 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга қўтарамиз – Т.: “Ўзбекистон”. 2017. – 592 б.

Норматив-хуқуқий хужжатлар

4. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2018.
5. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни.
6. Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш

тўғрисида”ги Қонуни.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июнданги “Олий таълим муасасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732-сонли Фармони.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли Фармони.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 февралдаги “Хотин-қизларни қўллаб-кувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5325-сонли Фармони.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июнданги “2019-2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятини ривожлантири чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4358-сонли қарори.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги «Олий ва ўрта маҳсус таълим тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида »ги ПҚ-4391- сонли қарори.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги «Олий ва ўрта маҳсус таълим соҳасида бошқарувни ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5763-сон Фармони.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармони.
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2018 йил 21 сентябрдаги ПФ-5544-сонли Фармони.
15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сон Фармони.
16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февралдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2752-сонли қарори.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сонли қарори.
18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2017 йил 27 июлдаги ПҚ-3151-сонли қарори.
19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2017 йил 15 сентябрдаги ПҚ-3276-сонли қарори.
20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сонли қарори.
21. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги "Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 278-сонли Қарори.

Махсус адабиётлар

22. Ишмухамедов Р.Ж., Юлдашев М. Таълим ва тарбияда инновацион педагогик технологиялар.– Т.: "Ниҳол" нашриёти, 2013, 2016.–2796.
23. Креативная педагогика. Методология, теория, практика. / под. ред. Попова В.В., Круглова Ю.Г.-3-е изд.–М.: "БИНОМ. Лаборатория знаний", 2012.–319 с.
24. Каримова В.А., Зайнутдинова М.Б. Информационные системы.– Т.: Aloqachi, 2017.- 256 стр.
25. Информационные технологии в педагогическом образовании / Киселев Г.М., Бочкова Р.В. - 2-е изд., перераб. и доп. - М.: Дашков и К, 2018. - 304 с.
26. Natalie Denmeade. Gamification with Moodle. Packt Publishing - ebooks Accoun 2015. - 134 pp.
27. Paul Kim. Massive Open Online Courses: The MOOC Revolution. Routledge; 1 edition 2014. - 176 pp.
28. William Rice. Moodle E-Learning Course Development - Third Edition. Packt Publishing - ebooks Account; 3 edition 2015. - 350 pp.
29. English for academics. Cambridge University Press and British Council Russia, 2014. Book 1,2.

30. Karimova V.A., Zaynudinova M.B., Nazirova E.Sh., Sadikova Sh.Sh. Tizimli tahlil asoslari.– Т.: “O’zbekiston faylasuflar milliy jamiyati nashriyoti”, 2014. –192 b.
31. Yusupbekov N.R., Aliev R.A., Aliev R.R., Yusupbekov A.N. Boshqarishning intellectual tizimlari va qaror qabul qilish. –Toshkent: “O’zbekiston milliy ensiklopediyasi” DIN, 2015. -572b.
32. Латинский язык и основы медицинской терминологии: учеб. пособие / Л. В. Долгушина; Новосиб. гос. ун-т. – Новосибирск: РИЦ НГУ, 2013. – 96 с.
33. Петрова Г. В., Еремичева В. И. Латинская терминология в медицине:
34. справочно-учебное пособие для медиков и фармацевтов. М.: Астрель АСТ, 2017
35. Латинский язык и основы терминологии / под ред. Ю. В Шульца. М.: Медицина, 2015.
36. Ярхо В. Н., Лобода В. И. Латинский язык. М.: Просвещение, 1983.
37. Кацман, Н.Л., Покровская, З.А. Латинский язык. – М.: ВЛАДОС, 2013. [Электронный ресурс]
38. Proverbia et dicta Latina: методическая разработка для студентов дневного и заочного отделений филологического факультета / [Сост. Т. В. Вяничева] –Томск: Изд-во ТГПУ, 2010. –66 с.
39. Хрестоматия по латинскому языку: для вузов / сост.: О. В. Бударагина, Т. Б. Путилова; под. ред. Н. М. Ботвинник. –М. [и др.]: Академия [и др.], 2013. –115 с.
40. Соболевский, С. И. Грамматика латинского языка: Теоретическая часть. Морфология и синтаксис: учебное пособие для вузов и средних специальных учебных заведений / С. И. Соболевский. –СПб.: Алетейя, 2014 – 431 с.
41. Лотин тили. Л.Хўжаева, X.Зоҳидова. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 2015

Интернет сайтлар

42. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги: www.edu.uz.
43. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот маркази сайти: www.press-service.uz
44. Ўзбекистон Республикаси Давлат Ҳокимияти портали: www.gov.uz
45. Axborot-kommunikatsiya texnologiyalari izohli lug'ati, 2004, UNDP DDI:
46. Ўзбек интернет ресурсларининг каталоги: www.uz
47. Таълим портали: <http://www.ziyonet.uz/>
48. Тил ўрганиш сайти: <http://www.gumer.info>
49. Тил ўрганиш сайти: <http://www.knigafund.ru/books/169621>.

"ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН":

Олни таълим тизими педагог ва раҳбар
кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг
малакасини оширишни ташкил этиш
Бош илмий методик маркази

Директор ДЧА ТОЙЯРЛАШТИРИШ БОШ ИЛМИЙ МЕТОДИКАРНИ
БОШКАРМА БОШЛИГИ Т.Т.Шоймардонов

2019 й.

Узбекистон давлат жаҳон тиллари

университети

Ректор

Х.Рахимов

2019 й.

М.ў.

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари
университети
хузуридаги * * тилларни Уқитишнинг
инновациявий * * методикарни
ривожлантириш республика илмий-амалий
маркази

Директор-проректор

У.Б.Азизов

2019 й.

М.ў.

"КЕЛИШИЛГАН":

Калрарни қайта тайёрлаш ва малакасини
оширишни ташкил этиш хамда
мувоғиқлаштириш бошкармаси
Бошкарма бошлиги

Л.Ф.Т.Эсонбобоев

2019 й.

“
М.ў.